

Ислом – меҳр-муҳаббат дини



11:03 / 11.08.2017 6247

Ислом дини дунёда кенг тарқалган динлардан ҳисобланади. “Ислом” сўзи арабча бўлиб, “худого ўзини топшириш”, “итоат”, “буйсуниш” деган маъноларни билдиради. Шаръий маъноси – Аллоҳ таолонинг ягоналигига иймон келтириб, Унга буйсуниш ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик, Унинг амрини бажармоқликдир. Аллоҳ таолога иймон келтирган ва У Зот юборган пайғамбарларга эргашган кишилар мусулмонлар дейилади.

Ислом ақийдаларининг асосий ахлоқий-ҳуқуқий тамойиллари Қуръони Каримда ўз ифодасини топган. Бу Илоҳий Китоб ер юзи мусулмонларининг дастур амали, диний аҳкомлар манбаидир. Унда инсонларни меҳр-мурувватли бўлишга ундовчи кўплаб суралар, оятлар келган. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Токи мўмин*

бўлмагунигизча жаннатни кўрмайсизлар, то бир-бирларингизга меҳр-муҳаббатли бўлмагунигизча мўмин бўлмайсизлар”, деганлар.

Ислон динида меҳр-муҳаббат туйғуси ва ғояси жуда муҳим ўрин эгаллайди. Эр-хотин, ота-она ва фарзанд, ака-ука, шунингдек, яқин дўст ва ошналар ўртасидаги ўзаро муҳаббат туйғуси Аллоҳ таолонинг бандаларига берган улуғ неъматидир. **“Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан мавъиза, кўклардаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди”** (Юнус сураси, 57 оят). Барча қалб хасталикларига шифо бўлган неъматларни қадрлаш, ўзаро бир-бирлари билан баҳам кўришинсонларни икки дунё саодатига эриштиради.